

«Келишилди»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил 11 октябрдаги 4-сон
йиғилишида кўриб чиқилди

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг
2023 йил 31 октябрдаги
7-сон қарори билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
Бошқаруви тўғрисида
НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	2
II. БОШҚАРУВНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ.....	2
III. БОШҚАРУВНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.....	3
IV. БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....	6
V. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ	7
VI. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	7
VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	8

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг
Бошқаруви тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) Устави ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Жамият Бошқарувининг мақомини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

3. Бошқарув Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилувчи коллегиял ижроия орган ҳисобланади.

4. Бошқарув ўз фаолиятини Жамият Устави, мазкур Низом ва Жамият ички норматив ҳужжатларига асосан амалга оширади.

5. Бошқарув Жамият Устави, Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорлари, Жамиятнинг ривожланиш режаларида белгиланган вазифаларни бажариш учун ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади.

6. Бошқарувнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари Жамият ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

**II. БОШҚАРУВНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ВАКОЛАТЛАРИНИ
ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

7. Бошқарувни ташкил этиш, тугатиш, унинг миқдорий таркибини белгилаш, Бошқарув аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамиятнинг Ягона акциядори қарорларига асосан амалга оширилади.

8. Жамият Уставига мувофиқ ёки Ягона акциядорнинг қарорига кўра Бошқарув аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

9. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Бошқарув аъзоларини сайлаш, тайинлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш юзасидан ўз тавсияларини Ягона акциядорга киритиши мумкин.

10. Бошқарувнинг таркиби 3 (уч) кишидан иборат, шу жумладан Бошқарув раиси ва унинг 2 (икки) нафар ўринбосарлари.

11. Бошқарув фаолиятига Бошқарув раиси раҳбарлик қилади.

12. Бошқарув раиси ва аъзолари Ягона акциядор ва Кузатув кенгашига ҳисобдор.

13. Жамият Кузатув кенгаши Бошқарув фаолиятини назорат қилади.

14. Бошқарув раиси ва аъзолари Ягона акциядорнинг қарори билан 3 (уч) йилгача муддатга сайланади (тайинланади).

15. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномалар Кузатув кенгашининг раиси, у бўлмаганда эса Кузатув кенгашининг ваколатли аъзоси томонидан имзоланади.

16. Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Ягона акциядорга ва Кузатув кенгашига бериладиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши лозим.

17. Бошқарув аъзоларининг иш ҳақи ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномалар доирасида уларнинг иш ҳақи ва меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича алоҳида шартлар назарда тутилган бўлса, уларнинг иш ҳақи ва меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

18. Бошқарув аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, уларнинг вазифаларини Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс Ягона акциядорнинг тегишли қарори қабул қилингунича бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

19. Бошқарув аъзолари Жамият Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, Кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномаларни муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, Кузатув кенгаши Бошқарув раисининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилади, шунингдек Бошқарув тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун Ягона акциядорга киритади.

III. БОШҚАРУВНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

20. Бошқарув ваколатига қуйидагилар киради:

қонунчилик ҳужжатларида ва ушбу Низомда назарда тутилган ваколатлар доирасида Жамиятнинг жорий операциялар, молиявий-ҳўжалик фаолиятини бошқариш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

Ягона акциядорнинг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ахборотни олиш ва дивидендлар тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишини ва ишончлилигини, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек Ягона акциядор ва бошқа шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим этилишини ташкил этиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг ташкилий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

21. Бошқарув раисининг ваколатига қўйидагилар киради:

Жамият номидан ишончномасиз иш олиб бориш, шу жумладан Жамият манфаатларини ифодалаш, Жамият номидан битимлар ва шартномалар тузиш;

Жамият филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш, ходимларини тасдиқлаш;

Жамият фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини, шартномавий ва молиявий интизомни мустаҳкамлаш;

Жамият стратегияси, бизнес-режаси ва бюджетини ишлаб чиқиш ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилишини ташкил қилиш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларини тайёрлаш ва амалга оширишни ташкил қилиш, уларнинг қарорлари Жамият томонидан бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш;

Ягона акциядор ёки Кузатув кенгаши талабига биноан ушбу органлар томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолияти тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этиш;

Жамият ходимларига Жамият манфаатлари ва номидан ҳаракатларни амалга ошириш учун ишончномалар бериш;

Жамиятнинг банк ҳисобарақларини очиш ва Жамиятнинг тўлов ҳужжатларини имзолаш;

техник хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш;

Жамиятнинг ҳужжат айланиши қоидаларини, ички меҳнат тартиби қоидаларини, шунингдек Жамиятнинг жорий фаолиятини таъминлаш ва тартибга солиш билан боғлиқ бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлаш (Ягона

акциядор ёки Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлар бундан мустасно);

Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ваколатларини белгилаш;

Жамиятда меҳнат муносабатларини тартибга солишни таъминлаш, ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш, уларга ўзгартиришлар киритиш ва уларни бекор қилиш, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқлар қабул қилиш;

Жамият ташкилий тузилмаси ва штат жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш қоидалари ва тизимларини, шунингдек, штат ставкасини ҳисобга олган ҳолда мансабдор шахсларнинг иш ҳақи миқдорини Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиш;

Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларга устама тўлаш қоидаларига мувофиқ ходимларга мукофот тўлаш масалаларини ҳал қилиш;

Жамият ходимларига нисбатан уларни лавозимга тайинлаш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқлар чиқариш, рағбатлантириш чораларини кўриш ва интизомий жазо чораларини қўллаш;

ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ва Жамият Бошқарувига бўйсунувчи таркибий бўлинмалар, комиссиялар ва қўмиталар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар бериш ва тасдиқлаш;

Жамият ходимларининг меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий жазо ёки рағбатлантириш чораларини қўллаш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ Жамиятнинг жорий операцион фаолияти билан боғлиқ битимлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган битим тузиш санасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 3500 (уч минг беш юз) бараваридан ортиқ бўлган суммадаги Жамият битими ёки ўзаро боғлиқ битимлар мажмуи бўйича масалаларни кўриб чиқиш учун Кузатув кенгашига олдиндан тақдим этиш.

22. Бошқарув ва Бошқарув раисининг ваколат доирасига Жамият Устави ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

IV. БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

23. Бошқарув раисининг ҳуқуқлари:

қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва мазкур Низомда белгиланган ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш;

Жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини қонунчилик ҳужжатларида, Жамият Уставида ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларида, Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларида белгиланган талабларга мувофиқ тасарруф этиш.

Бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

қонунчилик ва Жамият Уставига риоя қилиш;

Жамиятни узоқ муддатли ривожлантириш стратегиялари, куп йиллик ва бир йиллик бизнес-режалари ва бошқа дастурларини ишлаб чиқиш, уларнинг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

Жамиятнинг ривожлантириш стратегиялари, бизнес-режалари ва дастурларининг бажарилиши Ягона акциядорга ва Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;

молиявий йил якуни бўйича Жамиятнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги йиллик молиявий ҳисоботини Ягона акциядорга ва Кузатув кенгашига киритиш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгашининг қарорлари ижросини таъминлаш;

дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашда Ягона акциядорнинг ҳуқуқларига амал қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоб сиёсати, ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини, ички назорат тартибини, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини, ҳисоб ҳужжатларининг бут сақланишини, молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва эълон қилинишини, солиқ ҳисоботининг ва бошқа молиявий ҳужжатларнинг тайёрланишини, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш;

Жамиятнинг тижорат сири ва бошқа махфий тусдаги маълумотларини муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ягона акциядор ва Кузатув кенгашига барча зарур маълумотларни тақдим этиш;

кадрларни жой-жойига қўйиш ва самарали меҳнат жараёнини ташкил этиш;

Жамият ходимлари учун белгиланган ижтимоий кафолатлар ва уларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш.

Бошқарув раиси қонунчилик ҳужжатлари, Жамият Устави ва Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

25. Бошқарув раиси ўз вазифаларини бажаришда, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши шарт.

V. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

26. Бошқарув мажлислари даврий равишда, лекин ойига камида бир марта ўтказилади.

27. Бошқарув томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган масалалар Бошқарув мажлисида олдиндан муҳокама қилиниши шарт.

28. Кузатув кенгаши мажлисларида Жамият номидан Бошқарув раиси ёки Бошқарув раиси томонидан тайинланган Бошқарув аъзоларидан бири иштирок этиши мумкин.

29. Бошқарув мажлисларида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгашининг аъзолари ёки аудиторнинг талабига кўра уларга берилади.

30. Бошқарув мажлисини ўтказишни Бошқарув раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Бошқарув мажлиси баённомаларини имзолайди, Бошқарув ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

VI. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31. Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажаришда, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши шарт.

32. Бошқарув раиси ва аъзоларига қуйидагилар тақиқланади:

Жамиятдан алоҳида мулкӣ имтиёзлар олишга қаратилган битимлар тузиш (шу жумладан ҳадя, қарз, текин фойдаланиш, олди-сотди шартномалари ва бошқалар);

Жамиятнинг учинчи шахслар билан тузган битимлари учун ҳам Жамиятнинг ўзидан, ҳам учинчи шахслардан рағбатлантириш олиш;

Жамият муносабатларида учинчи шахслар номидан ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиш;

Жамият фаолияти билан рақобатлашадиган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

33. Бошқарув аъзолари ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамиятга етказилган зарарнинг тўлиқ қопланиши учун жавобгардирлар.

34. Бошқарув аъзолари қуйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

қонунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик;

Жамиятнинг жорий фаолиятида, шу жумладан битимлар, шартномалар ёки қарорлар қабул қилиниши жараёнларида юзага келган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни ошкор эмаслик.

35. Жамият ёки Ягона акциядор Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисидаги даъво билан Бошқарув аъзолари устидан судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда Бошқарув аъзоларининг ваколатлари суд томонидан якуний қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

36. Бошқарув аъзолари Жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топилган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида бир йил муддатга тугатилиши мумкин.

37. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

38. Мазкур Низом Ягона акциядор қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

39. Қуйидаги ҳолатларда ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Ягона акциядорнинг талабига кўра;

Кузатув кенгаши ва Бошқарув таклифларига асосан;

ушбу Низомда назарда тутилган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлардаги талаблар ўзгарган тақдирда;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

40. Ушбу Низомнинг айрим бандлари ўз аҳамиятини йўқотган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Низомнинг бошқа бандлари ўз кучида қолади.